


341,6
Д 42

Джураев И.Т.

**ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА
ОШИРИШНИНГ
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Джураев Ифтихоржон Таджибаевич

**ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ**

Илмий-оммабоп рисола

ТОШКЕНТ – 2017

УДК 341.645(041)(575.1)

Мазкур илмий-оммабоп нашр Тошкент давлат юридик университетининг илмий-услубий кенгаши томонидан (2017 йил 28 январдаги 5-сонли баённома) тавсия килинган.

Джураев И.Т. Одил судловни амалга оширишнинг халқаро стандартлари. Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДЮУ, 2017. 56 бет

Тақризчилар: **Д.Сатторов** – ю.ф.н. Ўзбекистон Республикаси Солик қўмитасининг Солик академияси “Юридик фанлар” кафедраси катта ўқитувчи.

Д.Умарханова – ю.ф.н. Тошкент давлат юридик университети Халқаро оммавий ҳукуқ кафедраси катта ўқитувчиси.

Мазкур илмий-оммабоп нашр одил судловнинг халқаро стандартларига, суд органлари фаолиятининг мустақиллиги, холислиги ва бошқа энг муҳим халқаро ва миллий принциплари, уни амалга ошириш механизmlарига бағишлиланган бўлиб, “Юриспруденция”, “Халқаро ҳукуқ”, “Халқаро жиноят ҳукуки” мутахассисларни бўйича бакалавриат, магистрантларга ҳамда ушбу мавзуга қизиқувчи кенг аудиторияга мўлжалланган.

КИРИШ

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.

Ш.Мирзиёев¹

Инсоният цивилизацияси ўз ривожланиш босқичининг барча даврларида адолатли жамиятнинг энг муҳим институти бўлмиш суд ҳокимиюти алоҳида ўринга эга бўлган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритган даврнинг биринчи кунлариданоқ суд-хуқук соҳасида бир қатор масалаларни ҳал қилиш мақсадида мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов раҳбарлиги остида босқичма-босқич ислоҳотларни амалга ошириш долзарблиги эътироф этилиб, бу борада кенг ва изчил сиёsat олиб борилди. И.Каримов таъкидлаганидек: “Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг хуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг хуқуқий маданияти ва хукуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, хукуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти куришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади”².

Эркин фуқаролик жамиятининг асосий унсурларидан бири ҳисобланган фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масаласи давлатимизнинг асосий диққат эътиборидаги йўналиш ҳисобланади. Шу жумладан, одил судловда шахсларнинг хукуқларини таъминлаш ҳалқаро стандартларга мувофиқ амалга оширилиши лозимлиги одил судловнинг энг муҳим омилидир.

¹ Ўзбекистон Республикасини 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т. 2017. – 104 б.

² Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигига. Иккинчи чакрик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмок керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 29.

Мустақил давлатчилигимиз асосчиси И.Каримов айтганидек: “жиноят процессининг судгача бўлган босқичида фуқароларнинг процессуал хуқуқларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтириш бўйича чоралар амалга оширилди, “Хабеас корпус” каби демократик институтни қўллаш соҳаси кенгайтирилди. Умумий юрисдикция судлари фаолиятининг таркибий тузилиши ва ташкилий асосларини такомиллаштириш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, суд идоралари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият қасб этмоқда”¹.

Замонавий халқаро одил судлов амалиёти шундан дарак бермоқдаки, юртимизда сиёсий ва иқтисодий-ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган муҳим ислоҳотларни жадаллаштириш ва мустаҳкамлаш йўлида жуда долзарб вазифани ҳал қилиш зарурияти ҳозирги глобал муаммолар вазиятида инсон омилини ҳар томонлама адолат мезоналари асосида ҳимоя қилувчи, дунё ҳамжамияти амалиёти асосида яратилган ва халқаро-хуқуқий хужжатлар талабларига жавоб берадиган одил судлов тизими фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мазкур соҳада Ўзбекистоннинг биринчи Президенти, муҳтарам Ислом Каримов бошлаб берган суд-хукуқ ислоҳотларининг тадрижий давоми сифатида 2016 йилнинг 21 октябринда Ўзбекистон Президент лавозимини бажарувчиси Шавкат Мирзиёев томонидан “Суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармон суд-хукуқ соҳасини, хусусан, судлар ва суд органлари фаолиятини халқаро стандартлар ва меъёрлар асосида тубдан ислоҳ қилишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг суд институти, унинг жамияти-миздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, мустаҳкамлашга йўналтирилганлиги эътиборга молик. Шу билан

¹ Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 23 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъруzasи. Инсон ва конун. 2015 йил 7 декабрь. <http://www.insonvagonun.uz>

бирга, 2017 йил 7 февралда имзоланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳарақатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида белгиланган мақсад ва вазифалар қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватланди.

І БОБ. ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ: АСОСИЙ ҚОИДАЛАР ҲАМДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Одил судлов соҳасидаги халқаро стандартларнинг вужудга келиши ва ривожланишида иккала жаҳон урушлари, айниқса иккинчи жаҳон уруши натижалари ва уларнинг айбдорларини жавобгарликка тортиш билан бевосита боғлиқ. Маълумки, Нюрнберг ва Токиода ташкил қилинган трибуналлар¹, ўз ҳуқуқий моҳияти ва мақомига кўра алоҳида жиҳатларга эга институт ҳисобланаб, халқаро ҳуқуқда одил судловни амалга ошириш принципларининг шаклланишига тамал тошини қўйди, десак муболага бўлмайди.

Одил судловини амалга оширишда инсон ҳуқуларини таъминлашга давлат алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги халқаро умумтан олинган кўп томонлама халқаро шартномаларда бир неча марта таъкидлаб ўтилади, хусусан жиноятчиликни олдини олиш, жиноят одил судлов ва ҳуқуқбузарлар билан муносабатда бўлиш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳимоясини амалга оширувчи давлатлар умуний сиёсатининг муҳим белгилари бўлиб ҳисобланади².

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги энг муҳим белги сифатида халқаро қадриятга айланган ва бу жиҳат унинг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланиши лозимлиги, қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши талаб қилинади. Давлатнинг барча орган ва идоралари суд органларининг мустақиллигини ҳурмат қилишлари ҳамда судлов органи қабул қилган қарорларга сўзсиз бўйсунишлари шартлиги каби омиллар унинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Аввало, суд ҳокимияти мустақиллигининг халқаро стандартлари тўғрисида тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу борадаги мавжуд халқаро

¹ Қаранг: Taylor, Telford, The Anatomy Of The Nuremberg Trials, Knopf (New York, 1992) pp. 56-79.; International Military Tribunal for the Far East. International Organization, Vol. 3, No. 1 (Feb., 1949), pp. 184-186. Published by: University of Wisconsin Press. Source: www.jstor.org/stable/2703937.

² Европада ханғизизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: инсонийий мезонлари соҳасидаги мажбурияtlар/ масъул мухар. проф. А.Х.Сайдов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази, 2012. – Б. 2-6.

хуқукий нормалар ва уларнинг мазмунига атрофлича назар солиши мақсадга мувофиқ. БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/34-сонли резолюцияси асосида қабул қилинган “Жиноят ва ҳокимият суииътемоли қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Декларация, 1998 йилнинг 10 июлида Старсбургда қабул қилинган “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Европа хартия¹си каби ҳалқаро ҳужжатларда суд органлари фаолиятининг энг муҳим асосий принциплари белгилаб ўтилган.

“Ҳалқаро стандарт” тушунчаси ва унинг пайдо бўлиш жараёнига эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада унинг аниқ бир таърифи ҳеч қайси ҳалқаро ёки бошқа турдаги ҳужжат билан қатъий белгиланмаган. “Стандарт” тушунчаси инглиз тилидаги “standard” сўзидан олинган ва у “меъёр, намуна, ўлчам, мезон” деган маъноларни ўзида акс эттиради. Ушбу атамани ҳуқуқ сўзи билан бирга кўллаган ҳолда кўрадиган бўлсак, у “ҳуқукий стандарт, ҳуқукий мезон, ўлчов” сингари бошқа маҳсус атамалар билан уйғунлашиб, соҳавий институтга айланади. Хорижий сўзларнинг ҳозирги замон луғатларида “стандарт” сўзи “бошқа ҳудди шундай объектларни қиёслашда кўлланиладиган бошланғич этalon, намуна, модель” сифатида талқин қилинади².

Ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, “стандартлар” тушунчаси 1990 йилдан бошлаб Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг инсонийлик мезонларига оид бўлган ҳужжатларида кўлланила бошланган³. Бироқ, мазкур тушунча европа ҳуқуқи тизимидағи янги қоидаларни яратиш учун эмас, балки инсоннинг ҳуқуқий мақомига оид мавжуд асосий норма ва принципларни ажратиш ва умумлаштириш учун қўлланилган.

Мазкур тоифадаги ҳужжатларда ҳалқаро-ҳуқуқий тартибга

¹ <http://www.un.org>

² Қаранг: Cappelletti M., Vigoriti V. Fundamental Guarantees of the Litigants in Civil Procedure: Italy// ed. by M. Cappelletti and oth., NY.– Oceana Publications, Inc. 1973. P. 514; Единое правовое пространство Европы и практика конституционного правосудия : сб. докладов. М. : Институт права и публичной политики, 2007. С. 256.

³ Введение в вопросы международной защиты прав человека. Под редакцией Райя Хански и Маркку Сукси. Университет «Або Академии». Финляндия. 1997. С. 277.

солишининг объекти бўлиб, жиноят одил судлови соҳасида инсоннинг табиий ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига оид бўлган муносабатлар ҳисобланади ва улар халқаро миқёсда максимал даражада мувофиқлаштирилиши лозим ҳисобланади. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида барча соҳалар каби одил судлов соҳасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинлик-ларини ҳар томонлама эътироф этувчи, шу билан бирга уларни таъминловчи халқаро стандартларга оғишмай риоя қилиб келмоқда.

Бевосита одил судловнинг халқаро стандартлари ҳисобланмиш халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Европа хартиясига асосан, судьялар мақомини мустаҳкамлаш уларнинг ваколатини, мустақиллигини ҳамда холислигини таъминлаш ва шу билан бирга уларнинг мақомига оид асосий қоидаларни ўзида акс эттирган. Хусусан, номзодларга бўлган талаблардан бири уларнинг юридик таълими ва иш стажи билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлиб, талаблар ҳар қандай ҳолда ҳам судьяларнинг жинсий, этник ёки ижтимоий келиб чиқишига, фалсафий, сиёсий ёки диний қарашларига тааллукли бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган. Судьяларни лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарор ижро ёки қонун чиқарувчи органларнинг мустақил инстанцияси томонидан қабул қилиниши лозим бўлиб, уларни жавобгарликка тортиш чораларини қўллаш фақатгина суд органи ёки бошқа мустақил инстанция судьяларининг камидা ярмининг розилиги асосида йўл қўйилиши лозимлиги ҳам ҳозирги кунда халқаро стандартларнинг асосий қоидалари қаторига киради. Бундан ташқари, судьяларни ҳимоя қилувчи судларнинг маҳсус ташкилотини ташкил қилиш ҳам муҳим қоидалардан бири саналади. Шу билан бирга, судьялар меҳнатига маош тўлаш унинг мустақиллигини таъминлай олиш даражасида бўлиши лозимлиги, уларнинг билими, тажрибасини доимо мустаҳкамлаш ва даражасини сақлаб туриш мақсадида давлат томонидан мунтазам равишда мутахассислик таълим олиш имкониятини яратиб бериш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суд ҳокимиятининг

мустақиллигини таъминлашда халқаро ҳуқуқий тизимнинг ўрни ва судьяларнинг одил судловни амалга оширишларидаги мустақиллигини кафолатлаш механизмини шакллантирилишининг қонунийлигини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда миллий-ҳуқуқий тизимда одил судловни амалга оширишни белгиловчи халқаро ҳуқуқий принципларни акс эттириш ва мазкур қоидаларнинг амалга оширилишини таъминлаш механизмини такомиллаштириш талаб қилинади.

Ҳар қайси давлат, ҳар бир жамият ҳаётига алоқадор бирор бир масала йўқки, хоҳ у ижтимоий -иктисодий, хоҳ сиёсий-ҳуқуқий соҳада бўлсин, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинмаган бўлса. Бугун халқаро ҳуқуқ, унда белгиланган тамойил ва нормалар давлатлар, минтақалар чегараларидан ўтиб, барча давлатларнинг ҳаётимиға шу қадар яқин кириб келганки, унинг таъсири ва ролини бир қарашда сезилмайди, баъзан эса бунга унча эътибор берилмайди. Ваҳоланки, халқаро ҳуқуқ қонунчилигига назар ташласак, судья, адвокат, терговчи, журналист ёки шифокор бўладими, барча касб эгаларининг соҳаси бўйича, ҳатто давлат хизматчиси сифатида иш вақтида ва иш вақтидан ташқари нималарга амал қилиши зарурлиги, касб этикаси ҳақида устувор қоидалар акс эттирилганига гувоҳ бўламиз.

Масалан, одил судловга оид халқаро стандартлар халқаро ҳуқуқда “Миранда қоидаси”, “Бангалор принциплари”, “Судьялар мавқеи тўғрисида Европа Хартияси”, “Инсон ҳукуқлари бўйича халқаро билль”, “Милан қоидалари”, “Ювенал юстиция”, “Каракас декларацияси”, “Пекин қоидалари”, “Ар-Риёд принциплари”, “Бангкок декларацияси”, “Вена декларацияси”, “Инсонийлик мезонлари” деб ўзига хос тарзда номланиб, уларнинг барчаси инсон ҳукуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосини ташкил этади ва судлар фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Одил судловини амалга ошириш халқаро стандартлари иштирокчиларининг рухсат этилган ҳаракатларини амалга ошириш чегарасини ва мазкур соҳага жалб этилган шахслар эга бўлиши керак бўлган ҳукуқларни белгилаб беради, мисол учун Буюк Британия ва

АҚШнинг ҳуқуқ тизими ҳисобланувчи кўп асрлик англо-саксон ҳуқуқий анъанасига асосан қуидаги инсон ҳуқуқлари кафолатининг процессуал жамланмаси кўрсатилади: “1) суд химоясига бўлган ҳуқуқ; 2) самарали тергов ўтказилишига бўлган ҳуқуқ; 3) суднинг яқин (тезкор) муддатда ўтказилишига бўлган ҳуқуқ; 4) оммавий (очик) судга бўлган ҳуқуқ; 5) холис судга бўлган ҳуқуқ (ҳеч ким ўз ишида судья бўла олмайди); 6) холис суд ҳакамлари (jury trial)га бўлган ҳуқуқ; 7) тортишувли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ; 8) айбизлик презумпцияси; 9) ўзига қарши гувоҳлик бермаслик принципи; 10) айблов бўйича гувоҳ билан судда юзма юз бўлишга бўлган ҳуқуқ; 11) суд муҳокамасида адвокат ёрдамига эга бўла олиш ҳукуки; 12) ўз фикрини тўлиқ ва эркин ифода қилиш ҳуқуки (Right to be Heard); 13) айнан битта жиноят учун икки маротаба жазолашга йўл қўйилмаслик; 14) бевосита суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ; 15) суд жараёнининг узлуксиз ўтказилишига (суд эътиборнинг жамланганлигини назарда тутувчи) бўлган ҳуқуқ; 16) шикоят қилиш (аппеляция) ҳуқуқи”¹.

Замонавий халқаро ҳуқуқнинг одил судловни таъминлашга доир қоидалари тегишли ҳуқуқий тартиботни яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хусусан халқаро жиноят одил судлови ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсақ, мазкур институт халқаро ҳамкорликнинг бошқа йўналишларидан ўзига хос хусусиятлари, белгиларига кўра фарқланади. Мазкур белгилар халқаро жиноят ҳуқуқининг етук олими А.Г.Волеводз томонидан ҳам алоҳида ажратиб кўрсатилган. Улар қуидаги белгиларда акс этади:

- халқаро жиноят одил судлови фақатгина халқаро одил судлов органлар – судлар томонидан амалга оширилади;
- халқаро жиноят одил судловни амалга оширувчи органлар халқаро ҳамжамият томонидан қўйилган ўзига хос мақсадларга эга бўлади;

¹ Смольянов М.С. Юридическая процедура как гаранция прав человека: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2011. – С. 8.

-халқаро жиноятта оид судлов судда ишни кўриш ва улар томонидан халқаро жиноят ҳақидаги жиноят ишини ҳал этиш орқали амалга оширилади;

- халқаро жиноятта оид судловни амалга оширишда халқаро жиноят ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш халқаро хукуқнинг муайян манбалари билан ўрнатилган тартибда ва жойда амалга оширилади¹.

Одил судловнинг ушбу соҳадаги тизими ўзининг бир қатор ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туришини юқорида санаб ўтилган белгилардан кўришимиз мумкин бўлиб, бу асосан халқаро жиноятларни кўриб чиқиш хукуқи фақатгина халқаро суд органларига берилганлиги билан характерланади. Баъзида халқаро жиноят таркиби мавжуд бўлган жиноятлар миллий жиноят қонунчилиги билан тартибга солинган прецедентлар ҳам мавжуд бўлиб, бу каби ҳолатлар халқаро хукуқ ва халқаро тартиботнинг мавқеига таъсир этиши билан бирга халқаро муносабатларни ҳам маълум даражада салбийлашувига ҳам олиб келмоқда.

Одил судловни фақатгина маҳсус халқаро судлов органлар томонидан амал оширилиш жиҳатига эътибор қаратадига бўлсак, дарҳақиқат ушбу судларнинг бир неча хусусиятлари уларни бир биридан фарқлаш имконини беради, хусусан ташкил этилишининг хукуқий асослари, фаолияти, юрисдикцияси ва ташкилий жиҳатлари шулар жумласидандир. Шу билан бирга, фақатгина судъяларигина халқаро-хукуқий хужжатларга мувофиқ халқаро жиноятларни суд қилиш ваколатига эга. Халқаро тузилмаларнинг бошқа ҳеч бир органи уларнинг ваколатини ола олмайди.

С.А.Шейферва, В.А.Яблоковлар бўлса, суд ҳокимиятига: “Маҳсус давлат ва муниципиал органлар тизимини ташкил этувчи мустақил очиқ хукуқий бирлашма”деб баҳо беришади².

Н.А.Колокованинг фикрига кўра, суд ҳокимияти феномени қўйидаги белгиларга эга: “Суд ҳокимияти ҳокимиятни хусусий

¹ Волеводз А.Г. Современная система международной уголовной юстиции: понятие, правовые основы, структура и признаки / А.Г.Волеводз // Международное уголовное правосудие. Современные проблемы / Подред. Г.И.Богуша, Е.Н.Трикоз. – М.: Институт права и публичной политики, 2009. – С. 303-323.

² См.: Шейфер С.А. Понятие судебной власти и ее функции/ С.А. Шейфер, В.А. Яблоков //Проблемы судебно-правовой реформы в России: история и современность. - Самара, 1999.- С.192.

кўринишларидан, давлат ҳокимиятини очик кўриниши шаклларидан бири бўлиб, халқ, миллат учун умумалоқа қилиш воситаларидан биридир. Суд ҳокимияти халқ билан ҳокимият ўргасидаги алоқа воситаси бўлиб, суд ҳокимияти халқсиз, миллатсиз мавжуд бўлиши умуман мумкин эмас, суд ҳокимиятини амалга оширувчи субъектнинг буйруғи-халқнинг эрки бўлиб, шу ҳалқга нисбатан чиқарилади, суднинг ҳукми бажарилмаган тақдирда санкция кўллаш билан ифодаланади, ҳукуқий нормаларга кўра суд ҳукм чиқариш ваколатига эга бўлади, ҳалқ эса уни ҳукмларини бажаришга мажбур бўлиб, бу белгиланган қонунлар билан ифодаланди¹.

Универсал харакатердаги кўпгина ҳалқаро нормалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган бўлиб, глобаллашув даврида жиноятчиликка қарши ҳалқаро даражада кураш олиб бориш самарадорлигига ҳалқаро ташкилот доирасида, шунингдек мавжуд ҳалқаро келишувлар асосида эришилиши мумкин. Мазкур масалада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўрни ва роли бекиёслиги шу билан изоҳланадики, у ҳалқаро сиёсат ва стратегия ишлаб чиқиши орқали давлатларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириб бора олади.

Мана шулар асосида БМТ умумий стандартлар, принциплар, тавсиялар ишлаб чиқади, шунингдек жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларни, озодликдан маҳрум қилинган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳалқаро нормаларни шакллантиради. Бошқача айтганда, “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилгандан буён, Уставда ва Инсон ҳукуқлари бўйича Биллда мустаҳкамланган принципларга асосланган ҳолда жиноят одил судловнинг мухим масалаларини қамраб олувчи ва унинг ҳалқаро стандартлари мажмуасини ташкил этувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилди”².

Ушбу соҳадаги ҳалқаро ҳужжатларни назарий таҳлил қилинса, дастлабки даврларда қабул қилинган ҳужжатларда ҳалқаро

¹ Колоколов Н.А. Судебная власть: о существенном феномене в логосе/ Н.А. Колоколов. - М., 2005.- С.102.

² Ягофаров С.М. Международные стандарты по правам человека и российское уголовное судопроизводство: учебное пособие / под ред. доктора юр. наук, профессора А. П. Гуськовой. – Оренбург: Издательский центр ОГАУ, 2006 – С 23.

ҳамжамият, аввало жиноят-процессуал муносабатларнинг энг нозик ва заиф ҳимоя соҳасига оид ҳалқаро стандартларни ишлаб чиқишига ҳаракат қилган. Бунда асосий диққат эътибор ҳалқаро стандартлар шахсларнинг узвий ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қилишига қаратилган. Мазкур масалалар ўз ҳуқуқий асосини топганидан сўнг навбатдаги вазифа жиноят процесси қатнашчилари алоҳида тоифаларига тааллуқли маҳсус нормаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ҳуқуқий мақомини ихтисослаштиришга қаратилмоқда. Масалан, БМТнинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судловни амалга оширишга доир минимал стандарт қоидалари мана шундай ҳужжатлар жумласидандир.

Юқорида зикр қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, одил судловни амалга ошириш соҳасида инсон ҳуқуқларига оид мавжуд ҳалқаро стандартларни акс эттирувчи ҳалқаро ҳужжатлар ҳамда одил судловнинг энг муҳим институти бўлмиш суд ва судьяларнинг мустақиллиги, холислиги, ахлоқий қоидалари каби муҳим омилларни белгилаган ҳалқаро стандартларни ўзида акс эттирувчи ҳалқаро ҳужжатлар каби тоифаларга ажратиш мумкин. Биринчи тоифадаги ҳужжатларга БМТ Низоми, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” ва “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги ҳалқаро пакт, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияларини киритиш мумкин.

Кейинги тоифадаги ҳужжатлар рўйхати бироз кенгрок бўлиб, уларнинг асосийлари қаторига куйидагиларни киритиш мумкин:

1. Суд органларининг мустақиллигига тааллуқли БМТнинг асосий принциплари (1985 йил);
2. Жиноят ва ҳокимият суистеъмоли қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Декларация (1985 йил);
3. Юристлар ролига тааллуқли асосий принциплар (1990 йил);
4. Судьяларнинг хулқ-автори тўғрисидаги Бангалор принциплари (2002 йил);
5. Жиноят одил судлови масалаларида реституциявий одил

судлов дастурини тадбик қилиш бўйича асосий принциплар (2002 йил);

6. Суд ҳокимиятининг мустақиллигига тўғрисидаги Пекин Декларацияси (Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатлари учун);

7. Жиноят қурбони ва гувоҳи бўлган болалар иштироки билан боғлиқ масалаларга тааллуқли одил судловнинг раҳбарий қоидалари (2005 йил);

8. БМТнинг низолар бўйича Трибунали ва Аппеляция Трибунали судьяларнинг хулқ-атвори кодекси (2011 йил);

9. Жиноятчиликни олдини олиш ва жиноят одил судлови масалаларини киритиши тўғрисидаги Доха декларацияси (2015 йил) ва б.

Суд органларининг мустақиллигига тааллуқли БМТнинг асосий принципларининг асосий мазмун-моҳиятида суд органларининг мустақиллиги, сўз ва уюшиш эркинлиги, судьяларни квалификацияси билан боғлиқ талаблар, уларни танлов асосида тайинлаш масалалари, уларни мунтазам ўқув-тайёргарликдан ўтказиб бориш, хизмат шартлари ва ваколат муддати, хизмат сири ва иммунитети, жазолаш, лавозимидан четлаштириш ва бўшатиш каби масалаларнинг асосий қоидаларини белгилаб берувчи принципларининг аҳамияти акс этган.

Судьяларнинг хулқ-атвори тўғрисидаги Бангалор принципларида суд органлари ва судьялар фаолиятининг амалга оширилишида мустақиллик, объективлик, ҳакконийлик, ҳаллоллик, ахлоқий нормаларга риоя қилиш, тенглик, лаёқатлилик ва тиришиқоқлик каби принциплар ва уларнинг ўрни ва аҳамияти борасида раҳбарий қоидаларнинг моҳиятига ургу берилган.

Одил судловнинг энг муҳим институти бўлмиш суд ва судьялар ҳамда уларнинг фаолиятини белгилаб берувчи халқаро стандартлар орасида алоҳида аҳамият касб этувчи БМТнинг низолар бўйича Трибунали ва Аппеляция Трибунали судьяларнинг хулқ-атвори кодексининг ўзига хос жиҳатлари унинг преамбуласидаёқ намоён бўлиб, хусусан унда БМТ Уставида кафолатланган инсоннинг асосий хукуқларига, инсон шахсининг қадр-қимматига риоя қилиш

мақсадида адолат ва халқаро хамкорликни йўлга қўйиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳеч қандай камситишларсиз рағбатлантириш ва ривожлантиришни мақсад қилганлигини, шу билан бирга, Инсон ҳуқуқлари бутунжаҳон декларациясида белгилаб қўйилган ҳар бир инсон ҳуқук ва бурчларини белгилаш, унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгалигини, бошқа шу каби муҳим қоидаларни ҳисобга олиб, судьялар риоя қилиши лозим бўлган хулқатвор стандартлари ўрнатилди ҳамда мазкур қоидалар судьяларга йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиши учун қадриятлар ва принциплар ўрнатилган.

Мазкур кодексда санаб ўтилган принциплардан биринчиси судларнинг мустақиллиги принципи бўлиб, у ўзида судьялар ўз вазифа ва фаолиятларини мустақиллик, виждонийлик тизими қоидаларига риоя қилишлари лозимлигини ҳамда ҳар қандай таҳдидлар, таъсирлар, босимлар қаердан келишидан қатъий назар эътибор бермасдан вазифаларини бажаришлари шартлиги белгилаб қўйилган. Иккинчиси холислик принципи бўлиб, мазкур принципга асосан судьялар суд тартибида кўриб чиқаётган масалада қўрқмасдан, холислик ёки олдиндан тарафкашликларсиз ҳаракат қилишлари лозимлиги акс этади. Улар ўз хулқатворида Трибуналнинг холислигига умумий ишончни таъминлашлари лозимлиги ҳам мазкур принципнинг асосий омилларидан саналади. Шу билан бирга, мазкур қоидалар сирасига ўзига ўзи раддия бериш, улар қатнашмаслиги ёки тийилиш лозим бўлган хатти-ҳаракатлар ҳам киритилган. Мазкур принциплар билан бирга виждонийлик, ахлоқийлик, шаффофлик, муҳокама жараёнида адолат билан иш юритиш, лаёқатлилик ва аниқлик принциплар ҳам ўзининг муҳим ўринга эга. Бунда асосан судьяларнинг ўз мажбуриятларини бажариш вақтида юқори маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлишлари билан бирга Кодексда кўрсатиб ўтилган қадрият ва принципларга мувофиқ ҳамда лойик ҳаракат қилишлари лозимлиги

каби қоидаларнинг мустаҳкамланганлини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, жиноят хуқуқи соҳасида инсон хуқуқларига оид ихтинослашган ҳалқаро стандартларни акс эттирувчи ҳалқаро хужжатларни ҳам санаб ўтиш лозимки, жумладан:

1. Маҳбуслар билан муносабатда бўлишнинг минимал стандарт қоидалари;
2. БМТнинг қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари (“Токио қоидалари”);
3. Қандай шаклдан бўлишидан қатъий назар қамоққа олиниши ёки хукм қилиниши мумкин бўлган барча шахсларнинг ҳимоясига оид принциплар мажмуаси;
4. Маҳбуслар билан муносабатда бўлишга оид минимал стандарт қоидаларни самарали амалга ошириш тартиби;
5. Қийноқларга қарши конвенция (1984 йил);
6. Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989 йил);
7. БМТнинг озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаганлар ҳимоясига оид қоидалари;
8. БМТнинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судловни юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари);
9. БМТнинг балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликни олдини олишга қаратилган раҳбарий принциплар (Ар-Риёд принциплари) ва бошқалар.

БМТ Низомининг преамбуласидаёқ инсоннинг асосий хуқуқларига, инсон шахсининг қадр-қимматига, эркак ва аёлларнинг тенг хуқуқлилигига эришиш ва уларни кафолатлаш жаҳон ҳамжамиятининг асосий мақсадларидан бири эканлиги белгилаб ўтилади. Шу билан бирга, Низомнинг 7-моддаси, 76, 92–96-моддаларида одил судлов ҳамда БМТнинг Ҳалқаро суд органи ҳақидаги қоидаларни ўзида акс эттиради. Шубҳасиз, мазкур қоидалар одил судловнинг ҳалқаро стандартларини шакланишида ўзининг муҳим ўрнига эга. Универсал характердаги аксарият ҳалқаро нормалар БМТ томонидан қабул қилинади. Глобаллашув даврида жиноятчиликка қарши ҳалқаро даражада кураш олиб бориш

самарадорлигига халқаро ташкилот доирасида, шунингдек мавжуд халқаро келишувлар асосида эришилиши мумкин. Мазкур масалада БМТнинг ўрни ва роли бекиёслиги шу билан изоҳланадики, у халқаро сиёsat ва стратегия ишлаб чиқиш орқали давлатларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириб бора олади.


БМТнинг дунёда жиноятчликка қарши қурашни ташкил этиш борасидаги вазифаси Уставининг 1-моддасидан келиб чиқади. Мазкур моддага кўра БМТ: халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлайди, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши принципини ҳурмат қилиш асосида миллатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиради, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни амалга оширади¹.

Мана шулар асосида БМТ умумий стандартлар, принциплар, тавсиялар ишлаб чиқади, шунингдек жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларни, озодликдан маҳрум қилинган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган халқаро нормаларни шакллантиради. Бошқача айтганда, “БМТ ташкил этилгандан буён, Уставда ва Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Биллда мустаҳкамланган принципларга асосланган ҳолда жиноят одил судловнинг муҳим масалаларини қамраб олувчи ва унинг халқаро стандартлари мажмуасини ташкил этувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилди”².

Ўз навбатида, мазкур стандарт ва нормаларнинг ҳуқуқий мақоми турличадир. Негаки, декларациялар, принциплар, раҳбарий кўрсатмалар, қоидалар, ҳаракат дастурлари, намунавий шартномалар ва тавсиялар юридик мажбурий кучга эга эмас. Бундан ташқари, халқаро аҳамиятга эга бўлган, халқаро музокаралар маҳсули бўлган мазкур ҳужжатлар давлатлар учун амалий қўлланма бўлиб хизмат қиласи. Уларнинг муҳимлиги кўп сонли давлатлар томонидан тан олинганлиги ва қабул қилинганлиги билан изоҳланади, шу билан

¹ БМТ Устави. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам. – Т.: “Адолат”, 2004. – Б. З.

² Ягофаров С.М. Международные стандарты по правам человека и российское уголовное судопроизводство: учебное пособие / под ред. доктора юр. наук, профессора А. П. Гуськовой. – Оренбург: Издательский центр ОГАУ, 2006 – С 23.



бирга улар кўп ҳолларда юридик кучга эга бўлмасада, халқаро ҳамжамият томонидан кенг тан олинган мақсад, амалиёт ва стратегияни ўзида мустаҳкамлаган хужжатлар сифатида қўрилади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 217 А (III) резолюцияси билан 1948 йил 10 декабрда эълон қилинган Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси моҳиятан, БМТнинг барча халқлар ва давлатлар интилиши лозим бўлган ягона стандартларни ўрнатувчи ilk хужжатларидан бири ҳисобланади.

Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясида одил судлов соҳасига оид қуйидаги нормаларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳукуқи;
- қийноқлар ва инсон қадр-қимматни камситувчи муомаланинг таъкиқланиши;
- бузилган ҳукуқларнинг самарали тикланиши;
- асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилинишнинг таъкиқланиши;
- адолатли, мустақил ва холис судга бўлган ҳукуқ;
- айбисзлик презумпцияси.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида келтириб ўтилган нормалар миллий қонунчиликда мустҳкамланган бўлсада, давлатнинг жиноят суд иши юритуви механизмининг барчаси ушбу нормаларга мос келсагина уларнинг самараси кўринади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги халқаро пактда Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларация мустаҳкамланган юқоридаги ғоялар ва нормалар янада ривожлантирилди. Мазкур хужжатнинг эътиборга молик жиҳати шунда намоён бўладики, унда аввал Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясида келтириб ўтилган стандартлар янада батафсил ёритиб берилди, шунингдек улрани қўллаш ва назорат қилиш механизмлари ҳам мустаҳкамланди. Бундан ташқари, Халқаро пакт декларациядан фарқли ўлароқ тавсиявий ҳарактерга эга эмас эди, балки ундаги иштирокчи-давлатлар учун мажбурий аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, “Моҳиятан принцип-стандартлар ривожининг навбатдаги босқичи бўлган ҳолда, Декларацияда таклиф этилган жиноят суд жараёнида

қатнашаётган шахсларнинг асосий ҳуқуқлари тузилишидан четга оғишмаган ҳолда, Халқаро пакт улар асосида лозим даражада ҳаракат қилишнинг асосий мезонларини ўрнатувчи, мазкур стандартларнинг самарали бажарилишини таъминлашга ёрдам берувчи ички тизимни яратди”¹.

Масалан, Халқаро пактнинг 9-моддасига эътибор берадиган бўлсак, Декларациядаги ўзбошимчалик билан қамоққа олиш стандарти “Ҳеч ким қонун билан белгаланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас” деган қоида билан тўлдирилди. Яъни, қачонки қонунда белгиланган тартибга риоя қилинган ҳолдагина озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш қонуний ҳисобланади. Бундан ташқари, қамоққа олинаётган ҳар бир кишига қамоққа олиш вақтида қамалиш сабаблари айтилиши ва дарҳол унга қўйилган айб маълум қилиниши борасида давлат мажбуриятлари мустаҳкамланди, шунингдек, ноқонуний равишда қамалган ёки қамоқда ушлаб турилган ҳар бир киши даъво кучига эга бўлган товон талаб қилиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамланди.

Юқоридагилардан ташқари, Халқаро пактда, Декларациядан фарқли равишида, жиноят-процессуал муносабат иштирокчиси бўлган айбланувчининг ҳуқуқий мақомига ва албатта таъминла-ниши лозим бўлган қатор қсидалар келтириб ўтилди. Унга кўра жиноятда айбланаётган шахс қуидаги ҳуқуқларга эга ҳисобланади:

- унга қўйилган айблов ҳарактери ва асослари ҳақида у тушунадиган тилда дарҳол ва батафсил хабардор этилиши;
- ўз ҳимоясини тайёрлаш ва ўзи танлаган оқловчи билан мулоқотда бўлиш учун етарлича вақт ва имкониятларга эга бўлиш;
- асоссиз ҳолда тўхтатиб турилмасдан ўз ишининг судда кўриб чиқилиши;
- ўзи катнашиб суд қилиниши ва ўзининг ўзи ёки танлаб олинган оқловчи воситасида ҳимоя қилиниши, агар оқловчиси бўлмаса, унга эга бўлиш ҳуқуқи борлиги ҳақида хабардор қилиниши; одил суд

¹ Ягофаров С.М. Международные стандарты по правам человека и российское уголовное судопроизводство: учебное пособие / под ред. доктора юр. наук, профессора А. П. Гуськовой. – Оренбург: Издательский центр ОГАУ, 2006 – С 27.

манфаатлари талаб этган ҳар қандай ҳолларда унга тайинланган оқловчига эга бўлиш, ушбу оқловчига тўлаш учун етарли маблағи бўлмаган барча ҳолларда унинг учун оқловчини текинга бериш;

- унга қарши кўрсатмалар берадиган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ана шу гувоҳлар сўроқ қилиниши хукуқига эга бўлиш ва унга қарши кўрсатма берадиган гувоҳлар учун мавжуд шартларда унинг ўзи танлаган гувоҳларни терговга чақириш ва сўроқ қилиш хукуқига эга бўлиш;

- агар судда қўлланилаётган тилни у тушунмаса ёки бу тилда гапира олмаса бепул тарзда таржимон кўмагидан фойдаланиш;

- ўзига ўзи қарши маълумотлар беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслик¹.

Халқаро пактда кузатиладиган янгиликлардан бири, айбланувчиликларни фарқлаш масаласига эътибор берилганлигидир. Хусусан, вояга етмаган айбланувчиликларга уларни ёшини ҳисобга олувчи қўшимча имкониятлар яратиш ва уларни қайта тарбиялашга кўмаклашиш масаласи тъкидланди².

Мазкур соҳада қабул қилинган халқаро стандартлар нафакат жиноят процесси қатнашчилари хукукий ҳолати, уларнинг хукуқ ва мажбуриятларига оид, балки давлатлар жиноят процессуал қонунчилигини ривожлантириш ва мувофиқлаштиришга, уларни мавжуд халқаро стандартларга мослаштириш ва қарама-қаршиликларни бартараф этишига қаратилган.

Мазкур тоифадаги халқаро ҳужжатлар халқаро умумтан олинган инсон хукуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган одил судловни амалга оширишдаги мавжуд муаммоларга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратишига йўналтирилган.

Хусусан, БМОТ Бош Ассамблеясининг 1971 йил 20 декабрдаги 2858 - (XXVI) сонли “Одил судловни амалга оширишда инсон хукуқлари” резолюцияси³да Инсон хукуқлари умумжаҳон декларациясида эълон қилинган инсон хукуқларига оид принциплар,

¹ Фукаровий ва сиёсий хукуклар тўғрисидаги халқаро пакт. Инсон хукуклари бўйича халқаро шартномалар: тўплам. – Т.: “Адолат”, 2004. – Б. 42.

² Ўша манба. – Б. 42.

³ Резолюция ГА ООН “Права человека при отправлении правосудия” [http://www.un.org/ru/documents/ods.asp?m=A/RES/2858\(XXVI\)](http://www.un.org/ru/documents/ods.asp?m=A/RES/2858(XXVI))

жумладан ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазога дучор этилмаслик ҳуқуқи; ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга кўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи; жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон химоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очик суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқи яна бир бор тасдиқланди.

Роман-герман ҳуқуқ оиласининг типик вакили бўлган Францияда судьялар мақоми ҳозирги кунда 1994 йил қабул қилинган куйидаги қонунлар: “Магистратура олий кенгаши тўғрисида” ҳамда “Магистратура мақоми тўғрисида”ги¹ қонунлар билан тартибга солинади. Мазкур қонунларга асосан барча судьялар Президент томонидан номуайян муддатга тайинланади. Судьяликка номзодларни тасдиқлаш учун Президентга Магистратура олий кенгашининг ёки ўзи кўрсатади, ёки адлия вазирлиги томонидан тақдим этилган номзодлар рўйхатига ўз хulosасини беради. Франция суд тизими – Кассация суди ҳузуридаги суд ва прокуратура аъзолари, биринчи инстанция судлари ва трибуналлари ҳамда марказий маъмуриятнинг хизматчилари ва шу билан бирга, адлия аудиторларидан иборат. Франция суд тизими ўзининг ягоналиги билан бирга иккита асосий категорияга бўлиниши билан характерланади: 1-категория бу суд аъзолари ҳисобланувчи магистратлар, 2-категория прокуратура хизматчилари ҳисобланувчи магистратлар².

Суд иммунитети Франция ЖПКнинг IX қисми (679-688-моддалари)³ билан тартибга солинади. Судьялар томонидан ўз вазифаларини бажариш вақтида жиноий хатти-харакат содир этган тақдирда Республика Прокурори тегишли талаб билан Кассация

¹ Ordonnance N 58-1270 du 22 1958 portant loi organique relative au statut de la magistrature // URL: <http://legi-france.gouv.fr>

² Марченко М.Н.. Правовые системы современного мира. Учебное пособие.- М.: ИКД "Зерцало - М", 2001. - с 19.

³ <http://www.crimpravo.ru/codecs/france/2.doc>

судининг жиноят ишлари бўйича палатасига мурожаат қилади. Палата прокурор талабномасини қабул қилган вақтдан бошлаб 8 кунлик муддат ичидаги ажрим чиқаради ҳамда мазкур ишнинг суришигурув ўтказиши ва суд муҳокамасини олиб бориш мажбурияти юклатилган суд органини кўрсатади. Агарда жиноят суд таъкиби билан боғлиқ ҳолда содир этилган ҳамда бирон бир процессуал нормани бузилишига сабаб бўлган бўлса, мазкур ишни кўриш топширилган суд органининг якуний қарори асосидагина жиноий даъво қўзғатилишига рухсат берилади¹.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласининг типик вакили ҳисобланган Буюк Британияда судлар З гуруҳга бўлинган: олий суд, соддалаштирилган юрисдикциявий судлар (Summary Jurisdiction Courts) ва алоҳида судлар². Соддалаштирилган юрисдикциявий судлар – бу асосан, магистрат судьялардан ташкил топган. Магистрат судьялари халқ судьялари билан қадимги анаъаналари асосида тенгглаштирилган. 1997 йил 19 марта Халқ судьялари тўғрисидаги қонун³га асосан биринчи даражали магистратлар қиролича номидан Лорд-канцлер томонидан мазкур судья тайинланадиган суд жойлашган жойда истиқомат қилувчи, бунуқсон обрў-эътиборга эга 27-65 ёшли англиялик фуқаролардан иборат маҳаллий қўмита фикрини инобатга олган ҳолда тайинланади. Тайинланадиган халқ судьялари юридик таълим олган бўлишлари шарт эмас. Уларнинг юридик билимларининг йўқлиги барча даражадаги судларда штат асосида иш олиб борувчи суд клеркларининг мавжудлиги билан ўрни қопланади. Қоида бўйича мазкур суд клерклари юқори даражали юрист ҳисобланади.

70 ёшга кирган магистратлар халқ судьяларининг асосий рўйхатидан истисно қилинишлари белгиланган. Лекин мазкур ёшга кирган шахснинг хоҳиш-иродаси асосида Лорд-канцлер уни қўшимча рўйхатга қўйишга рухсат бериши мумкин⁴. Иккинчи гурух магистратлари Лорд-канцлернинг тақдимномаси асосида қиролича

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Франции 1958 г. / М., "Прогресс", 1967. - с.242-246.

² Р. Уолкер. Английская судебная система. М., 1980. – с.631 // URL: <http://lawlibrary.ru/izdanie18315.html>

³ <http://www.legislation.gov.uk/>

⁴ Правовые системы стран мира. Указ. соч. с. 119-122.

томонидан тайинланади. Номзодлардан улар орттирган обрў-эътибор, касбий маҳорати билан биргаликда юридик маълумот ва камида етти йиллик адвокатлик соҳасидаги меҳнат тажрибаси бўлиши лозимлиги талаб этилади¹.

Одил судловнинг хорижий мамлакатлардаги ўзига хос жиҳатларининг барчасига хос умумий тарафи, авваламбор бу суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳукуқий механизмнинг яратилганлигига намоён бўлади. Бундан ташқари, суд органлари одил судловни амалга оширишларида холислик, бетарафлик, лаёқатлилик, одиллик каби энг муҳим принципларга таянишлари талаб қилинади.

Умуман олганда, юқорида биз таҳлил қилган халқаро ҳужжатлар жаҳон мамлакатлари суд-ҳукуқ ислоҳотлари ривожига катта ҳисса кўшиб, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишда суд ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмокда.

¹ Гуценко К.Ф., Головко Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств / Изд. 2-е, доп. и испр. - Изд-во "Зерцало-М", 2002. - с. 80-82 .

II БОБ. ХАЛҚАРО ЖИНОЯТ СУДИ ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ХАЛҚАРО ИНСТИТУТ СИФАТИДА

БМТнинг Халқаро хуқуқ комиссияси 1982 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг топшириғига биноан Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар кодекси лойиҳаси устидаги ишини давом эттириб, шундай тұхтамга келдики, агар Халқаро жиноят суди ташкил этилмаса, Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар кодекси ўз долзарбелигини йүқтади ҳамда амалда қўлланила олмайди¹.

Ўтган асрнинг охирида дунёда юз бера бошлаган катта сиёсий ўзгаришлар Халқаро жиноят судини ташкил этиш жараёнининг тезлашувига сабаб бўлди. БМТ Бош Ассамблеяси 44/39-сонли резолюциясида Халқаро хуқуқ комиссиясига тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахслар ишини кўришга ваколатли Халқаро жиноят судини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишини таклиф этди. БМТ Бош Ассамблеяси ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, 1990 йил 28 ноябрдаги 45/41- ва 1991 йил 9 декабрдаги 46/54-сонли резолюцияларида Халқаро жиноят кодекси лойиҳасини тайёрлаш бўйича ўз талабини қайта билдири.

Халқаро хуқуқ комиссияси 1991 йилда Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар кодекси қабул қилингандан сўнг орадан бир йил ўтиб 1992 йили Халқаро жиноят судини яратиш масаласини кўриб чиқди. Бу мақсадда ташкил этилган ишчи гурӯҳи масалани атрофлича ўрганиб чиқиб қуйидаги хulosаларга келди:

Биринчидан, Халқаро жиноят судини албатта ташкил этиш лозим;

Иккинчидан, суд якка шахслар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиши юрисдикциясига эга бўлиши лозим;

Учинчидан, суд халқаро шартномаларда кўрсатилган халқаро жиноятлар билангина чегараланмоғи лозим;

¹ Док. ООН A/38/10.P (c)(1).

Тўртинчидан, давлатлар халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти сифатида Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар кодексига қўшилмасдан туриб кўп томонлама шартнома иштирокчисига айланиш имконига эга бўлиши лозим¹.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1997 йил 15 декабрдаги 52/160-резолюциясида биноан Халқаро жиноят судини ташкил этиш бўйича дипломатик конференция 1998 йил 15 июндан 17 июлгача Рим шаҳрида БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги қароргоҳида ўтказилиши келишиб олинди. БМТ Бош Ассамблеяси ўз резолюциясида БМТ Бош котибидан Конференция ишида қатнашиш учун БМТга аъзо барча давлатларни, ихтисослаштирилган муассасалар ва Атом энергияси бўйича халқаро агентлик аъзоларини, БМТ фаолиятида кузатувчи сифатида қатнашаётган ташкилотларнинг вакилларини, бошқа манфаатдор ҳукуматлараро ташкилотларнинг вакилларини ҳамда бошқа халқаро органларни, жумладан собиқ Юgosлавия ва Руанда бўйича халқаро жиноят трибунали вакилларини кузатувчи сифатида таклиф этишни сўраган. 1998 йилнинг 17 июлида Римда Дипломатик конференциянинг муҳтор вакиллари БМТ ҳомийлигига “Халқаро жиноят судининг Рим Статути”ни қабул қилдилар. Конференция ишида 160 давлатнинг делегатлари иштирок этди. Статутни қабул қилиш учун 120 та давлат овоз берди, 21 та давлат бетараф қолди ва 7 таси қарши овоз берди. Рим конференциясида суднинг ваколатларини камайтириш тарафдори бўлиб бир қанча давлат вакиллари фаол қатнашдилар. Улар суднинг юрисдикциясида факат геноцид жиноятини суд қилиш ваколатини қолдиришни ёқлаб чиқдилар. 2017 йил январь ҳолатига кўра Рим Статутини 124 давлат ратификация қилган².

Халқаро жиноят суди миллий юрисдикция судлари тегишли турдаги жиноятларни ўз фуқароларига нисбатан кўриш имконига эга бўлмаган ёки буни истамаётган бўлса, Халқаро жиноят суди ҳаракатга келади. Суднинг юрисдикцияси иштирокчи давлатларнинг ҳудудида содир этилган жиноятларга, шунингдек ушбу давлат

¹ Док. ООН A/45/10. П.106-165.

² The States Parties to the Rome Statute. https://www.icc-cpi.int/en_menus/asp/states

фуқароларига нисбатан түғридан түғри тааллуқли бўлади. Лекин суд куйидаги икки ҳолатда Ҳалқаро жиноят суди түғрисидаги шартнома иштирокчиси бўлмаган давлатларнинг фуқаролари билан боғлиқ ишларни кўриши мумкин:

- ушбу давлат мазкур ҳолат учун суднинг юрисдикциясини тан олиши лозим;
- Ҳалқаро жиноят суди БМТ Хавфсизлик Кенгаши мурожаатига биноан ҳаракат қилиши мумкин.

Ҳалқаро жиноят суди Статути орқага қайтиш қучига эга эмас, у Ҳалқаро жиноят суди Рим Статутининг расмий кучга кириш санасидан, яъни 2002 йил 1 июлдан сўнг содир этилган жиноят-ларга нисбатан тадбиқ этилади (*ratione temporis юрисдикцияси*).

Нюрнберг ҳарбий Трибунали чиқарган хукмларда ҳалқаро жиноятларни давлатлар эмас, балки инсонлар содир этади, деб қайд этиб ўтилган фикрга олимлар Х.Т.Одилкориев ва Б.Э.Очиловлар куйидагича муносабат билдирганлар: “Бу қоиданинг маъноси тушунарли бўлсада, лекин у унчалик тўғри эмас. Ҳалқаро ҳуқук давлатлар томонидан ҳам бузилиши мумкин. Масалан, агрессия – бу давлат томонидан амалга ошириладиган жинояттир. Аммо бу ерда жавобгарликка давлатгина эмас, балки унинг маълум қарорларини қабул қилган давлат раҳбарлари ҳам тортилади. Бунда жавобгарлик турличадир. Давлат ҳалқаро-ҳуқуқий жавобгарликка, жисмоний шахс эса – ҳалқаро жиноий-ҳуқуқий жавобгарликка тортилади”¹. Албатта, давлатлар ҳам муайян ҳалқаро жиноятларни содир этадилар, лекин мана шундай жиноятларнинг содир этилишида мазкур давлатдаги шахслар асосий ҳаракатлантирувчи куч саналишади. Шу боис ҳалқаро жиноятларнинг содир этилишида якка шахсларни жиноий жавобгарликка ториш Ҳалқаро жиноят судининг асосий фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Ҳалқаро шартномалар ҳуқуқи жиҳатидан Ҳалқаро жиноят судининг Рим Статути ўз ўзидан ижро этилувчи ҳалқаро-ҳуқуқий хужжат бўлиб ҳисобланмайди ва давлатлар томонидан имзоланганиб, ратификация қилиш ҳақида қарор қабул қилинганидан

¹ Одилкориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон ҳалқаро ҳуқуки: Дарслик. ЖИДУ, 2002. 361-6.

сўнг Халқаро жиноят суди билан ҳамкорлик қилиш мақсадида ўз миллий қонунчилигини мослаштириш, мувофиқлаштириш ишларини амалга ошириши лозим. Бу ўз навбатида миллий қонунчиликда моддий ва процессуал характердаги тегишли нормалар мавжуд бўлиши, мавжудларига эса Статутдан келиб чиқсан ҳолда ўзгартиришлар киритишни талаб этади.

Халқаро жиноят процессида шахсларнинг процессуал кафолатлари қайсиdir даражада *ad hoc* халқаро жиноят трибуналлари, хусусан Нюренберг Халқаро ҳарбий трибуналидан тортиб Руанда трибунали уставларида, шунингдек Халқаро жиноят суди Статутида ўз аксини топган.

Бунинг тасдиғи сифатида Статутнинг ҳукуқни қўллаш ва шарҳлаш умум эътироф этилган инсон ҳукуқларига мос келиши лозим¹ деган қоидасини келтириб ўтиш мумкин. Яна шуни эътироф этиш керакки, “бунга қадар мавжуд бўлган муайян хулк атворга оид стандартлардан фарқли равишда, Рим Статути унда мустаҳкамланган процессуал механизм асосида амалга оширишни кузатиб бориш имконини ҳам беради”².

Статутнинг муқаддимасида Суд фаолиятини ташкил этишининг муҳим принципларидан бири – тўлдирувчанлик принципи эълон қилинган: “Мазкур Статут асосида таъсис этилган Халқаро жиноят суди миллий жиноят судлов органларини тўлдиради”³. Бунинг мазмуни шундан иборатки, агар давлатларда ўзларининг судлари мавжуд бўлмаса, мавжуд бўлсаю, Халқаро жиноят суди ваколатлари доирасига кирувчи жиноятларга нисбатан ўз функцияларини амалга ошира олмайдиган бўлсалар, Халқаро жиноят суди миллий суд органларини тўлдиради.

Рус ҳукуқшунос олими И.И.Лукашукнинг фикрича, асосий принциплар давлатлар хатти-ҳаракатининг энг муҳим стандартлари бўлиб, уларнинг бузилиши халқаро-хукукий бошқарув тизимининг

¹ A/CONF.183/9. Римский Статут Международного уголовного суда. – С. 16.

² Ягофаров С.М. Международные стандарты по правам человека и российское уголовное судопроизводство: учебное пособие / под ред. доктора юр. наук, профессора А.П.Гуськовой. – Оренбург: Издательский центр ОГАУ, 2006 – С. 50.

³ Римский Статут Международного уголовного суда. Действующее международное право. Учебное пособие. – М.: МАМП, 2002. – С. 254.

фаолиятига тажовуз ҳисобланади¹. Юқорида келтирилган фикрларни ю.ф.д. Э.А.Пушминнинг қуидаги сўзлари билан хulosалаймиз: “Асосий принциплар доимо тарихан шаклланган халқаро-хукуқий нормалар тизимида давлатларнинг хатти-харакатини белгиловчи асосий қоидалар сифатида амалга оширилган, мустаҳкамланган, мақсадга қаратилган норматив-регулятив ҳуқуқий гоялардир”².

Тўлдирувчанлик принципининг мазмунини Статутнинг 17-моддаси янада кенгроқ ёритади. Агарда иш давлат томонидан тергов қилинаётган бўлса ёки тергов қилиб бўлинган бўлса ва муайян шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатмаслик ҳақида қарор қабул қилинган бўлса ёки мазкур шахс судланиб бўлинган бўлса, иш Халқаро жиноят суди иш юритувига қабул қилинмайди.

Мазкур қоида халқаро стандарт бўлмиш бир жиноят учун икки маротаба судланмаслик ёки жазоланмаслик принципининг амалий ифодасидир.

Халқаро жиноят суди Статутида у томонидан одил судловни амалга оширишда риоя қилиниши лозим бўлган принциплари ўз аксини топган. Унинг 22-моддасида *Nullum crimen sine lege* принципи мустаҳкамланган бўлиб, унинг мазмуни шахснинг қилмиши содир этилиш вақтида Суд юрисдикциясига кирувчи жиноятни ташкил этмаса, жиноий жавобгарликка тортилмаслигига намоён бўлади. Аммо бу ерда шу нарсага алоҳида эътибор қаратиш лозимки, жиноят тушунчasi аниқ қўлланилиши, шарҳланиши лозим, аналогия бўйича қўллашга эса йўл қўйилмайди. Агарда жиноят тушунчasi икки хил маънода келаётган бўлса, суд жараёни олиб борилаётган ёки айбдор деб тан олинган терговдаги шахс фойдасига хизмат қилувчи тушунча қўлланилади. Ушбу принципнинг муҳим жиҳати яна шундаки, у халқаро хукуқ бўйича бирор қилмишни жиноят деб квалификация қилишга таъсир этмайди.

Суд юрисдикциясига кирувчи жиноятлар масаласи Статутнинг 5-моддаси билан тартибга солиниб, унга кўра Суд энг жиддий

¹ Лукашук И.И. Международно-правовое регулирование международных отношений. – М.: Междунар. отношения, 1975. – С. 8-9.

² Пушмин Э.А. О понятии основных принципов современного общего международного права // Сов. ежегодник международного права. 1978. – М.: Наука, 1980. – С. 78.

жиноятлар, яъни халқаро ҳамжамият учун жиддий хавф туғрдирувчи: геноцид, агрессия, инсониятга қарши жиноятга, ҳарбий жиноятларга нисбатан юрисдикцияга эга ҳисобланади. Бу яна шуни англатадики, Рим статутининг харакат доираси мазкур жиноятлар билангина чекланади. Мазкур принципни Г.А.Русанов қуйидагича тушунтиради: “Халқаро жиноят судининг вазифаларидан бири миллий ҳуқуқ билан тартибга солиб бўлмайдиган муносабатларни тартибга солишдир, яъни халқаро жиноят ҳуқуқига қўллагандан – бу бир неча давлатлардан иборат муносабатлар, шунингдек жавобгар субъект давлат бўлган муносабатлардир”¹.

Мазкур принципда жиноят тушунчаси аналогия бўйича қўллашга йўл қўйилмаслигининг муҳимлиги шундаки, у шахсни асосланмаган ҳолда жавобгарликка тортилишидан ҳимояланишини таъминлайди.

Nulla poena sine lege принципиига мувофиқ, суд томонидан айбдор деб тан олинган шахс, фақатгина Халқаро жиноят суди Статути қоидалари бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ratione personae принципи, яъни орқага қайтиш кучининг йўқлиги принципига биноан, шахс Статут кучга киргунга қадар содир этган қилмиши учун жиноий жавобгар бўлмайди. Агарда мазкур иш бўйича якуний қарор қабул қилингунга қадар қонунга ўзгартириш киритиладиган бўлса, суд жараёрни олиб борилаётган терговдаги ёки айбдор деб тан олинган шахсга энг енгили қайси бири бўладиган бўлса ўша қўлланилади. Рим Статути 2002 йил 1 июлдан кучга кирганлигини инобатга оладиган бўлсак, шахслар юқоридаги санадан сўнг содир этилган жиноятлари учун жавобгар бўладилар.

Жисмоний шахсларнинг индивидуал жавобгарлиги принципи Нюренбергда аниқ ўрнатилган эди. Нюренберг Судининг Халқаро ҳарбий трибунал Устави тинчликка қарши, ҳарбий жиноятлар ёки инсониятга қарши қаратилган жиноятларни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлашни назарда тутади². Трибунал бундай ҳуқуқни бузганлик учун шахсларни жавобгарликка тортиш ва жазолаш учун халқаро жиноят ҳуқуқини тўғридан тўғри

¹ Русанов Г.А. Принципы международного уголовного права //Вопросы судебной реформы: право, экономика, управление. 2009. №4.

² Международное гуманитарное право в документах. – М., 1996. – С. 516.

қўллашни тасдиқлади. Мазкур принцип яна 1991 йилдан бошлаб собиқ Югославия худудида содир этилган халқаро гуманитар хукуқнинг жиддий бузилиши учун жавобгар бўлган шахсларни суд орқали таъқиб қилиш бўйича халқаро жиноят Трибунали Уставида, Руанда худудида содир этилган геноцид ва халқаро гуманитар хукуқнинг жиддий бузилишида жавобгар бўлган шахсларни ва 1994 йилнинг 1 январидан 31 декабригача Руанда фуқаролари томонидан содир этилган геноцид ва бошқа шунга ўхшаш жиноятлар учун суд орқали таъқиб этиш бўйича халқаро жиноят Трибунали Устави якка шахсларнинг халқаро хукуқда содир этган жиноятлари учун жавобгарликка тортилишини тасдиқлади¹. Мазкур принцип худди шунингдек, БМТнинг Халқаро хукуқ комиссияси томонидан 1950 йилда “Нюренберг трибунали уставида тан олинган ва трибунал қарорида ўз ифодасини топган халқаро хукуқ принципларини” қабул қилиш бўйича иккинчи сессияда тан олинган бўлиб, унда шундай дейилади: “Халқаро хукуқга биноан жиноят деб топилган у ёки бу қилмишни содир этган ҳар қандай шахс жавобгарликка тортилади ва унга жазо берилиши лозим”. Ушбу принцип яна 1954 йилги Тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар кодекси лойиҳаси 1-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Шахсларнинг индивидуал жавобгарлигини тасдиқловчи сўнгги хужжат бу Халқаро жиноят суди Статутининг 25-моддаси ҳисобланади.

Индивидуал жиноий жавобгарлик принципига биноан Халқаро жиноят суди факат жисмоний шахсларга нисбатан юрисдикцияга эга. Халқаро жиноятни содир этган шахс Суд юрисдикциясига тегишли бўлиб, индивидуал жавобгар бўлади ва Статутга биноан жазога тортилади.

Халқаро жиноят суди Статути 25-моддаси 3-бандида шахс қандай ҳолатларда Статутга биноан индивидуал жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган. Агар шахс ушбу жиноятни индивидуал, бошқа шахс билан биргалиқда ёки у орқали содир этган бўлса, иккинчи шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишидан қатъий

¹ Международное гуманитарное право в документах. – М., 1996. – С. 536; Международное публичное право. Сборник документов. Т.2. – М., 1998. – С. 102.

назар шахс индивидуал жавобгар бўлади. Бундан шу нарса англанадики, жиноят содир этилишига кўмаклашган, қизиқтирган шахс тегишли шароит мавжуд бўлгандагина жиноий жавобгарликка тортилади. Иштирокчи ўзи англаган ҳолда жиноят содир этган шахсга кўмаклашиши лозим. Бундай ҳолатларда жиноий ҳаракатлар бошқа шахс томонидан бажарилишидан қатъий назар кўмаклашган шахс ўз қилмиши учун жавобгар бўлади. Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, шахсларнинг жиноят содир этилишида иштирок этганлиги учун индивидуал жавобгарлигини назарда тутивчи Рим Статути 25-моддасининг “а” кичик банди Нюренберг трибунали Уставининг 6-моддасига, Геноцид жиноятини олдини олиш ва унинг учун жазо тайинлаш тўғрисидаги конвенциянинг iii-моддаси “е” бандига, Собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноят трибунали Уставининг 7-моддаси “Г” бандига, Руанда бўйича Халқаро жиноят трибунали Уставининг 6-моддаси “I” бандига мос келади. Мазкур принцип яна Нюренберг принципларининг VII принципига ва 1954 йилги Тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар кодекси лойиҳаси 2-моддаси 13 iii бандига ҳам мос келади.

Келишув ташкилотчиси ёки иштирокчиси ёхуд мана шундай жиноятни режалаштиришда қатнаша оладиган иштирокчининг жавобгарлигига келадиган бўлсак, жиноят амалда бошқа шахс томонидан бажарилаётган бўлса ҳам улар ўзлари содир қилган жиноятлари учун жавоб беришлари лозим.

Ушбу принцип ҳокимият ваколатига эга бўлган ва ушбу ваколатдан бошқа шахсни жиноят содир этишга мажбурлаётган шахсларга нисбатан қўланилади¹.

Яна шу нарсага алоҳида эътиборни қаратиш лозимки, Халқаро жиноят суди Статути индивидуал жиноий жавобгарликка оид бирон бир қоида давлатларнинг халқаро ҳуқуқ бўйича жавобгарлигига таъсир этмаслигини таъкидлайди.

Мустаснолик принципи. Мазкур принципнинг мазмуни шундан иборатки, Халқаро жиноят суди 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан юрисдикцияга эга эмас. Бола ҳукуқлари тўғрисидаги

¹ Костенко Н.И. Международная уголовная юстиция. Проблемы развития. – М.: РКонсульт, 2002. – С. 72.

конвенцияга биноан 18 ёшга түлмаган ҳар қандай шахс бола деб ҳисобланади. Бундан шуни англаш мумкинки Ҳалқаро жиноят суди болаларга нисбатан ўз юрисдикциясини амалга оширмайди.

Йўл қўйилмаслик принципи шахсларнинг мансабига ҳавола қилмасликни назарда тутади. Яъни, Ҳалқаро жиноят суди Статути мансаб даражаларидан қатъий назар барча шахсларга тенг равишда тадбиқ этилади. Хусусан, давлат ёки ҳукумат бошлиқлари, парламент ёки ҳукумат аъзолари, ҳукуматнинг сайланган вакили ёки мансабдор шахсларни эгаллаб турган мансаб даражалари Ҳалқаро жиноят суди Статутига биноан жиноий жавобгарликдан озод қилмайди, шунингдек ҳукмни енгиллаштириш учун асос бўла олмайди. Ҳалқаро ёки миллий ҳукуқга биноан шахснинг мансаби билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган маҳсус процессуал нормалар ёки иммунитетлар ҳар қандай ҳолатда ҳам Суднинг мана шундай шахсларга нисбатан ўз юрисдикцияси амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги лозим. Мазкур принцип миллий қонунчиликда мавжуд бўлган қонун олдида барчанинг tengлиги принципининг ҳалқаро миқиёсдаги ифодасидир.

Жавобгарлик принципи. Бу принцип командир ва бошқа раҳбарларнинг жавобгарлигини кўзда тутади. Унга кўра, Ҳалқаро жиноят суди Статути бўйича жиноий жавобгарликнинг бошқа асосларига кўшимча равишда Суд юрисдикциясига ҳарбий командир сифатида самарали ҳаракат қилган ҳарбий командир ёки шахс суд юрисдикцияси доирасига кирувчи жинояти учун жиноий жавобгар бўлади. Ҳаракатлар эса куч билан унинг тўлиқ назорати ва раҳбарлиги остида содир этилиши лозим.

Яна шу нарсага эътиборни қаратиш лозимки, командирнинг қўли остидагилар Суд юрисдикциясига кирувчи жиноятларни содир этадиган бўлса ҳамда командир мана шундай ҳаракатларни билган ёки билишини инкор қилган ҳолда ўз қўли остидагиларга нисбатан тегишли бошқарувни амалга оширгмаган бўлса, командир ҳам жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноятлар раҳбарнинг назорати ва жавобгарлигига тааллукли бўлсада, раҳбар ўз ваколатлари доирасида уларнинг содир этилишини олдини олиш ёхуд тергов ва

жиноий таъқиб қилишга ваколатли органга топшириш учун зарур чораларни кўрмаган бўлса ҳам командир жиноий жавобгар бўлади.

Муддат ўтишининг қўлланилмаслиги принципи. Халқаро жиноят суди юрисдикциясига кирувчи жиноятларга нисбатан ҳеч қандай муддат қўлланилмайди. Демак шахс халқаро жиноят содир этадиган бўлса, қанча муддат ўтишидан қатъий назар, шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик сақланиб қолаверади, агар у жиноий жавобгарликка тортилмаган бўлса. Сўнгги қоидадан шуни англаш керакки, шахс Халқаро жиноят суди юрисдикциясига кирадиган жиноятни содир этганлиги учун миллый суд органлари томонидан жиноий жавобгарликка тортилган ва жазо муддатини ўтаб чиққан бўлиши мумкин.

Статутнинг 36-моддасига мувофиқ Судьялар юксак ахлоқий хислатларга эга, мустақил ва холис шахслар орасидан танлаб олинади. Мазкур қоида, судьяларнинг ўзини тутиши, хулқ-атвори, ўз ишига муносабати шунингдек одил судловни амалга ошириш юзасидан халқаро стандартларни мустаҳкамлаган 2002 йил 26 ноябрдаги “Судьялар хулқ атворининг Бангалор принциплари тўғрисида”¹ги хужжат талабларига тўла мос келади. Бу шунианглатадики, судьялар ўз фаолиятида бирор бир органга, шахсларга боғлиқ ёки қарам бўлмаслиги, муайян иш бўйича ўз қарорини одиллик билан мустақил равишда қабул қилиши лозим.

Трибуналлар, судлар ва судьялар холис бўлиши зарур. Холислик шуни англатадики, трибуналлар, судлар ва судьялар кўриб чиқилаётган ишдан манфаатдор бўлмаслиги, кўриб чиқилаётган иш ҳақида янглиш таассуротга эга бўлмаслиги керак ҳамда томонлардан бирининг манфаатларини кўзлаб иш юритмаслиги зарур. Трибуналлар, судлар ва судьяларнинг холислиги томонлардан бирига нисбатан янглиш таассуротга эга эмаслиги, уларга душманларча муносабатда эмасликлари ёки аксинча ён босиш мавжуд эмаслиги тарзида белгиланиши мумкин.

¹ Бангалорские принципы поведения судей. http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangalore_principles.shtml

Холислик шуни англатадики, “трибуналлар, судлар ва судьялар ўзлари кўриб чиқаётган саволлар бўйича фактларга асосланган ҳолда ва қонунга мос қарор қабул қилиши керак, бунда бирон бир кимсадан ёки бирон бир сабабга кўра чекловлар ва ўринсиз таъсиrlар кўрсатилишига, рағбатларга, тазиққа, бевосита ёки билвосита таҳдид ва аралашувларга йўл қўйилмайди”¹.

Айбланувчи ва жараённинг исталган тарафи трибуналлар, судлар ва судьялар холислиги мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳар қандай тасдиқловчи далиллар асосида судни нохолислигига эътиroz билдириши мумкин.

Холислик тамойили ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида судья одил судловни амалга оширишга имкон бермайдиган ёки ўзининг холислигини обрўсизлантирувчи ҳолатлар аниқлаган тақдирда ўз номзодига эътиroz билдириш бўйича тегишли мажбуриятни юзага келтиради. Бундай ҳолларда судья ўз номзодига эътиroz билдириш ва судда иштирок этишдан воз кечиш керак.

Халқаро жиноят суди Статути 55-моддаси одил судлов соҳасидаги инсон ҳукуқларига оид халқаро стандартларни мустаҳкамловчи норма бўлиб ҳисобланади. Мазкур моддада терговни амалга оширишда шахсларнинг қандай ҳукуқларга эгалиги назарда тутилади ва қуйидаги ҳукуқлар ўз аксини топган:

- ўзига қарши гувоҳлик бериш ёки ўз айбини тан олишга мажбур қилинmasлиги лозим;
- муомала ёки жазонинг оғир, ноинсоний, қиёноққа солувчи ёки қадр-қимматни камситувчи турлари, мажбурлаш, босим ёки таҳдиднинг исталган шакллари кўлланилмаслиги керак;
- агарда сўров шахс тушунмайдиган ва у гапирмайдиган тилда олиб борилаётган бўлса, шахс бепул ваколатли таржимонёрдамидан фойдаланишга ҳақли;
- шахс ўзбошимчалик билан қамоққа олинmasлиги зарур, шунингдек Статутда ўрнатилганидан ўзгача тарздаги асослар билан озоликдан маҳрум этилмаслиг керак.

¹ Суд ишини адолатли кўриб чиқишига оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси жиноят процесси: Ҳукуқшунослар учун амалий кўлланма. – Женева, 2011. – Б. 21.

Бундан ташқари, шахс Халқаро жиноят суди юрисдикциясига кирадиган жиноятни содир қилган бўлса ва у Прокурор ёки миллий ҳокимият органлари томонидан сўроқ қилиниши зарур бўладиган бўлса, сўроқ қилиш бошлангунга қадар унга қуидаги хукуқлари мавжудлиги маълум қилинади:

- Халқаро жиноят суди юрисдикциясига кирувчи жиноят содир қилган деб ҳисоблаш учун асослар борлиги ҳақида ҳабардор қилиниш;
- сукут сақлаш, бунда ушбу хукуқ унинг айбдор ёки айбдор эмаслигини аниқлашда кўлланилмаслиги лозим;
- ўз танловига кўра хукукий ёрдамдан фойдаланиш;
- адвокат иштирокида сўроқ қилиниш хукуқи.

Статутнинг 66-моддаси одил судлов соҳасидаги инсон хукуқларига оид муҳим принциплардан бири айбсизлик презумпциясини мустаҳкамлайди. Унга кўра, ҳар бир шахс унинг айби қўлланиладиган хукуққа мувофиқ Судда исботланмагунга қадар айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчининг айбини исботлаш Прокурорга юкланди.

Айбланувчи ҳам инсон хукуқларига мувофиқ бир неча хукуқларга эга бўлади. Суд Статути 67-моддасига биноан, айбланувчи Статут қоидалари ҳисобга олган ҳолда унинг иши оммавий эшлилиш хукуқига эга ва қуидаги кафолатлар таъминланиши лозим ҳисобланади. Хусусан,

- унга билдирилган асослари ва мазмуни ҳақида айбланувчи тушунадиган ва сўзлайдиган тилда зудлик билан ва батафсил ҳабардор этилиши;
- ўз ҳимоясини тайёрлаш учун етарлича вақтга эга бўлиш, шунингдек ошкор этилмаслик шартлари асосида ҳимоячи билан эркин сухбатлашиш;
- оқилона муддатларда суд қилиниш;
- ўз иштирокида суд қилиниш ва ўзини шахсий адвокат орқали ҳимоя қилиш;
- унга қарши ва унинг фойдасига гувоҳлик берадётганларни сўроқ қилиш ёки уларни сўроқ қилиниши сўрашга хукуқи. Айбланувчи

шунингдек ўз ҳимоясини таъминловчи далилларни Статутда йўл кўйилган даражада келтириши мумкин;

- бепул таржимон хизматидан фойдаланиши ва бошқва хукуқларга эга ҳисобланади.

Мазкур келтириб ўтилган қоидаларнинг барчаси одил судловни амалга ошириш соҳасида инсон хукуқларига риоя қилишни таъминлашга қаратилган халқаро стандартлардир. Улар, ягона универсал хужжатда жамланмаган бўлсадан, инсон хукуқлари оид кўп йиллар давомида қабул қилинган бир қатор халқаро хукукий хужжатларда ўз аксини топган.

Рим Статутининг 81-моддаси одил судлов соҳасидаги инсон хукуқларига оид муҳим стандартлардан бири суд оқлаш ёки айбдор деб топиш тўғрисидаги қарорига нисбатан шикоят келтиришни мустаҳкамлаган. Бунда Прокурор процессуал хатолик, фактлардаги хатолик ёки хукуқдаги хатолик асосларини келтирган ҳолда апелляция шикоятини келтириши мумкин.

Айбдор деб топилган шахс ёки ушбу шахс номидан Прокурор процессуал хатолик, фактлардаги хатолик, хукуқдаги хатолик ёки суд муҳокамасининг, қарорининг одиллигига ёхуд суд муҳокамаси ёки қарори ишончлилигига таъсир этувчи ҳар қандай бошқа асосларини келтирган ҳолда апелляция шикоятини келтириши мумкин.

Кристофер Кийт Холл таъкидлаганидек, “апелляция хукуқига бўлган кафолатларнинг мавжуд эмаслиги Нюренберг ва Токио Статутларининг энг катта камчиликларидан бири эди. Рим Статути собиқ Югославия ва Руанда трибуналлари статутидан сўнг мана шундай хукуқни мустаҳкамлади, лекин жабрланганлар манфаатларини эътиборсиз қолдириб, мазкур хукуқни фақатгина судланганлар учунгина берилди”¹.

Шахсларнинг одил судловга бўлган хукуқларини тадқиқ қилган олим Ю.М.Самович Халқаро жиноят суди Прокурорининг апелляция шикоятини топшириш хукуқини танқид остига олади. Унинг фикрига

¹ Холл К.К. Право на справедливое судебное разбирательство в Статуте Международного уголовного суда // Российское издание Бюллетеня ИНТЕРАЙТС. - 1999. - № 2. – С. 45.

кўра мазкур ҳуқуқ Ne bis in idem принципига зиддир¹. Мазкур принципга кўра, суд қарори қабул қилинганидан сўнг, айнан ўша айб бўйича шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиши таъқиқланади. Фикримизча, Статутнинг 20-моддасида мустаҳкамланган Ne bis in idem нормаси муайян истисноларга эга, яъни одил судловни амалга оширишда танланган ҳуқуқда ўрнатилган қоидаларга зид ҳаракат амалга оширилган бўлса ёки суднинг мустақиллиги, холислиги, одиллигига шубҳа туғилган бўлса, иш қайтадан кўрилиши мумкин.

Халқаро жиноят судининг Статутида назарда тутилган нормаларни одил судловни амалга ошириш соҳасидаги нормалар жиҳатидан таҳлил қилиш уни муайян тоифаларга ажратиш имконини беради. Бизнингча, Халқаро жиноят суди томонидан одил судловни амалга оширишда унинг Статутидаги нормалари қўйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) Суд фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ одил судлов соҳасидаги стандартлар ёки норма-принциплар;
- 2) Шахсларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар.

Албатта, мазкур стандартларнинг қанчалик самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан бевосита суднинг мустақиллиги ва холислигига, шунингдек суд муҳокамасининг адолатлилигига боғлиқдир. Халқаро жиноят суди принциплари суд фаолиятининг раҳбарий қоидалари сифатида унинг ҳаракатларини халқаро ва миллий ҳуқуқ принциплари асосида тенглик ва адолатлиликка асосланган ҳолда амалга оширишини таъминлади. Бундан ташқари, мазкур принциплар Халқаро жиноят ҳуқуқи принципларининг шаклланиши-га асос бўлиб хизмат қилди. Юқорида кўриб чиқилган принциплар ва халқаро стандартларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига ҳам мустаҳкамлангандир. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига халқаро-ҳуқуқ нормалари ўз аксини топган ва амалиётда қўлланилмоқда.

¹ Самович Ю.М. О международно-правовой регламентации права индивида на судебную защиту от уголовного обвинения //Актуальные проблемы экономики и права. 2008, №1. – С. 148.

ІІІ БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ СУД-ХУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимиятининг демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамияти беқиёс. Чорак асрлик истиқлол йилларининг илк давриданоқ мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига қатъий риоя қилувчи, энг асосий ўринга халқ ва инсон манфаатларини қўядиган суд органлари фаолиятини ташкил қилиш мақсадида суд-хукуқ ислоҳотлари ўтказиб келинмоқда ва давом этмоқда. Бугунги кунда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-хукуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари долзарблигини йўқотмаганлиги ҳамда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ислоҳотнинг мазкур йўналишига жиддий эътибор берилаётганини эътироф этиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддаси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципини жорий этди. Шу билан бирга, суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритишини белгилаб берди (106-модда). Мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида бошланган ислоҳотлар орасида суд-хукуқ соҳасини янада такомиллаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этган.

Бугунги кунда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-хукуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари долзарблигини йўқотмаганлиги ҳамда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ислоҳотнинг мазкур йўналишига жиддий эътибор берилаётганини эътироф этиш зарур. И.Каримов таъкидлаганидек, суд – одил судловнинг олий нуқтаси ва

унинг ролини ошириш ҳукуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён.

Фақатгина суд ҳокимиятигина шахсларнинг бузилган ҳукуқ ва эркинликларини ваколатли ва холис судда ишни ошкора кўриш орқали ҳимоя қилишга кафолат бўлиб хизмат қиласди. Мустақил ва холис судни талаб қилиш ҳар бир инсоннинг ҳукуқидир. Бу ҳукуқ Инсон ҳукуқлари Умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган бошқа халқаро ҳукуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Одил судловни жорий этиш, мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суд-хукуқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг доимий диққат марказида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида мамлакатимиз Биринчи Президенти катта дастурий маъруза қилиб, унда суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Шу асосда ўтган йиллар давомида суд қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалга оширилди.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб фуқаролик, жиноят ва хўжалик ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу уларнинг фуқаролик, жиноят ва хўжалик ишларини малакали асосда мазмунан кўриб чиқиш, инсон ҳукуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Янги фармонга асосан фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ҳамда хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини ташкил этиш назарда тутилмоқда. Ислоҳотларни чукурлаштириш жараёнида судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш мақсадида прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўtkазиш масаласи кун тартибига қўйилди. Шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳукуқлари ҳам судларга ўtkазилди. Янги фармонга асосан почта-

телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳукуқини судларга ўтказиш, судларга қамоққа олиш ёки уй қамоги тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳукуқини бериш, терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институтини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Суд ҳокимияти фуқароларнинг ҳукуқларини ва “умуман ҳукуқ”ни ҳокимият ваколатларига эга мансабдор шахслар ҳамда давлат идораларининг ҳукуққа зид бўлган ҳар қандай қарорлари, хатти-харакатидан муҳофаза қилиши ва шу тариқа ҳукуқ ҳукмронлигини таъминлаши лозим. Суд ҳокимиятининг нуфузи ва аҳамияти шундаки, судлов давлат номидан амалга оширилади, маҳсус ташкил этилган идора томонидан рўёбга чиқарилади. Судъя фақат қонунга бўйисунади. Суд функциялари ўзига хос, фақат угина давлат номидан мажбуров ва жазолаш функциясини адо эта олади, қарорлари қатъий ва барча учун мажбурийдир.

БМТнинг Инсон ҳукуқлари бўйича кенгашига 2008 йилда универсал даврий кузатиш учун тақдим қилинган биринчи миллий маърузасида Ўзбекистон Республикаси шуни маълум қилдики, Ўзбекистонда инсон ҳукуқлари соҳасидаги сиёсат куйидаги тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилади:

- инсон ҳукуқларига оид умум эътироф қилинган ғоялар ва қадриятларга, шунингдек инсон ҳукуқлари соҳасидаги ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқлик;
- давлатнинг инсон ҳукуқлари соҳасидаги сиёсати ҳукукий давлатчилик ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга асосланган асосий миллий манфаатлардан келиб чиқади;
- шахс манфаатлари устуворлиги шароитида Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган шахс, жамият ва давлат манфаатлари мувозанати тамойили;

- амалга оширилаётган барча ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хукуқий ва суд ислоҳотларининг эволюцион, босқичма-босқич ва тизимли характеристи;
- алоҳида фуқаролар тоифаларининг: болалар, ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва ёши катта авлоднинг ижтимоий ва иқтисодий хукуқларини ҳимоя қилиш устуворлиги;
- ошкоралик ва транспарентлилик;
- давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ билан ижтимоий ҳамкорлиги;
- инсон хукуqlari соҳасидаги фаол ҳалқаро ҳамкорлик.

Ўзбекистон Республикаси шу тарзда инсон хукуқлари соҳасидаги ўзининг ҳалқаро мажбуриятларига содиқлигини ҳамда ўзи қўшилган ҳалқаро шартномаларга риоя қилиши зарурийлигини тасдиқлади.

2016 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон Президенти лавозимини бажарувчиси бўлиб турган Ш.Мирзиёев “Суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади. Мазкур фармон суд-хукуқ соҳасида изчил олиб борилаётган давлат ислоҳотларида янги сахифа очишга хизмат қилди, десак муболага бўлмайди.

Фармонга асосан 2017 йил 1 апрелдан бошлаб суд-хукуқ тизимида яна бир қатор янгиликлар назарда тутилмоқда. Хусусан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар хукуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёsatининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланиши муҳим воқеадир.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти бўлиниши тамойилининг амалда жорий этилиши билан чинакам суд ҳокимиятининг қарор топишига йўл очилди. Бу ўринда ўта муҳим масала – суд давлат ҳокимиятининг мустақил бир тармоғи сифатида қатъий ваколатларга эга эканлиги тан олинди. Жамият аъзоларининг ижтимоий онги суд ҳокимиятини эътироф этиши, унга кўникиши лозим.

Суд ҳокимияти давлатнинг муайян судлов сиёсатини шакллантиради ва рўёбга чиқаради. Судлов сиёсатининг асослари қонунда ўз аксини топади ва суд муассасалари фаолияти орқали ҳаётга татбиқ этилади. 2017 йил 1 апрелдан бошлаб озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш кенгайтирилади. Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилади. Қамоққа олиш ва уй қамоги тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилади. Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш хуқуқи судларга ўtkазилади. Судларга қамоққа олиш ёки уй қамоги тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш хуқуқи берилади. Терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараённида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилинади. Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилади. Хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судлари ташкил этилади ва ҳоказо.

Мазкур фармонда назарда тутилган ҳамда келгусида амалга оширилиши белгиланган вазифалар бугунги кунда давлатимиз суд ва судъялари фаолиятининг чинакам мустақиллиги, инсон ва жамиятнинг бошқа субъектларининг хуқуқ ва эркинликларини ҳақиқий, адолатли ҳимоячисига айланишида муҳим аҳамиятга эга. Жумладан:

- суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш;
- фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш;
- фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

- юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш;

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усусларини жорий этиш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлигининг судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи таклифи маъқулланди. Мазкур мазмундаги қоиданинг қонунчилик ва суд фаолияти механизмига тадбиқ қилиниши, ўз навбатида судларнинг мустақил-лиги, судьяларнинг холислик, шаффолик ва бетарафлик каби принциплар асосида ҳаракат қилишларига имкон берувчи ва уларни шу йўналишда рағбатланлантирувчи омил бўлиб хизмат қиласи.

Фармонга асосан, суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилиниб, унда қуйидаги асосий чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилаб олинди:

- 1) Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш;
- 2) Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кенгайтириш;
- 3) Фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш;
- 4) Кадрларни танлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;

- 5) Одил судловнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш;
- 6) Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш;
- 7) Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш;
- 8) Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш.

Қайд этилган асосий вазифалар ва янги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш учун Фармон билан суд-хуқуқ тизимини ривожлантириш борасида 8 та энг устувор соҳалар бўйича 45 та аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи Комплекс чоратадбирлар дастури тасдиқланганлиги судларнинг фаолиятини янада такомиллашувига хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу билан бирга 2017 йил январида кенг омма эътиборига тақдим қилинган ҳамда барчанинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганган ҳамда 28 январда муҳокама жараёни якунланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармони лойиҳасида ҳам суд-хуқуқ ислоҳотларига алоҳида эътибор қаратил-ганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Мазкур фармон лойиҳасининг иккинчи асосий йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишлиланган бўлиб, унда бир қатор муҳим вазифалар белгиланган.

Хусусан, лойиҳанинг 2.1. бандида суд ҳокимиютининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланган:

- судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш;

- суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процесси томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш;
- «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;
- судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш; судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш.

Бундан ташқари, ушбу фармон лойиҳасининг 2.2. бандига асосан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишида сансалорлик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш; суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш каби вазифалар белгиланган.

Ушбу лойиҳада кўзда тутилган судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш, суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процесси томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш борасидаги алоҳида вазифаларнинг киритилганлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу жиҳат ҳалқаро стандартларда белгилаб қўйилган принципларнинг давлатимиз суд қонунчилигига ўз ифодасини топишига асос бўлиб хизмат қиласди. Мазкур вазифанинг амалга оширилиши асосида судьяларнинг мустақиллиги, ўз фаолиятларида моддий манфаат кўзлаб эмас, фақатгина одил

судловни амалга ошириш учун холис, адолатли, беғараз иш юритишларига хизмат қиласи.

Юқорида таъкидланган ислоҳотларнинг тадрижий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини кўрсатиб ўтиш лозим. Мазкур фармон суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш масалалари энг асосий мақсад сифатида белгилаган ва бунинг учун қўйидаги вазифалар белгиланди:

1. Судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тугатилиб, унинг 21 нафар бўшаётган ижро аппарати штат бирлиги Кенгашига ўтказилсин.

3. Кўйидагилар Кенгашиning асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш;

б) судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

с) судьяларни касбий тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек судьяларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш;

д) оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориши, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

е) суд-хукуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ф) судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш, шунингдек уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишга хulosса бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш.

Мазкур фармоннинг қабул қилинишига асосий омиллардан бири судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш зарурлигидан келиб чиқсан бўлиб, судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси аниқ хукуқий мақомга эга эмаслиги, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга ошираётганлиги ва чекланган ваколатларга эгалиги ҳам мавжуд қоидаларни ўзгартириш эҳтиёжининг вужудга келишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, суд ҳокимиятининг икки олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг мавжудлиги суд тизимини бошқариш вазифаларининг тақрорланишига, ягона суд амалиёти таъминланмаслигига олиб келаётганлиги юқоридаги фармонда алоҳида таъкидланган.

Шу билан бирга, ҳарбий суд судьяларининг Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибиға киритилганлиги, адлия органлари томонидан умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тартиби суд ҳокимиятининг мустақиллиги тамойилига мувофиқ келмаётганлиги ҳам судлар мустақиллигини тўлақонли амалга оширилишига тўсқинлик қилиши ҳам амалдаги қонунчиликка бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш вазифасини юклади.

Судлар тизимининг амалдаги тузилмаси ва штат бирлиги хизмат вазифаларини оқилона тақсимлаш имконини бермаётганлиги, бу эса уларни замон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ва мақбуллаштиришни талабини орттириди. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий нормани, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарурати маъмурий судлар тизимини ташкил этишни тақозо этганлиги ва кўпгина белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқувчи омиллар сабаб, Ўзбекистон Республикасида суд тизимиға қуидаги ўзгартиш киритилди:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди;
- ҳарбий судлар;
- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари;
- фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари;
- жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари;
- туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари;
- туман (шаҳар) маъмурий судлар¹.

Суд тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиласиган суд ҳокимииятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий

¹ Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисидаги қонунининг 1-моддасининг биринчи кисми, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-428-сон Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2017 й., 15-сон, 242-модда).

тамойилга қатъий риоя этилиши мамлакатда суд-хуқук соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар орасида марказий ўринни эгаллаши юқоридаги фармонда алоҳида таъкидлаб ўтилган ҳамда бунинг учун 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш суд-хуқук соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамланди.

Фармонга мувофиқ, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, судьяларнинг мазкур жараёндаги иштирокини кенгайтириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш учун масъул бўлган органнинг мақоми ҳамда ваколатларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамияти органи сифатида суд ҳокимиятининг мустақиллиги ҳақидаги конституциявий принципга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади. Судьялар олий кенгаши унинг таркибида Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Сенат томонидан тасдиқланадиган Кенгаш раиси ва кўпчиликни ташкил этувчи судьялар ҳамда хукуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва хуқук соҳасидаги малакали мутахассислар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган 20 нафар аъзодан иборат бўлади. Судьялар олий кенгашининг 13 нафар аъзоси доимий, 8 нафар аъзоси эса жамоатчилик асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, фармонда назарда тутилган талабларни амалга ошириш бир қатор норматив-хуқуқий хужжатларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Хўжалик процессуал, Фуқаролик процессуал

кодексларига, «Судлар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб этади. Ушбу хужжатда одил судлов соҳасидаги замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш масаласида туб ислохотлар ва ўзгаришлар амалга оширилиши намоён бўлади.

ХУЛОСА

Одил судлов соҳасидаги халқаро стандартлар бу умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларини ифодаловчи нормалар тизими бўлиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар ўз мөхиятига кўра, одил судловини амалга ошириш стандартлари сифатида ҳам намоён бўлади. Зеро, одил судловини амалга ошириш соҳасида давлат ва жамият манфаатлари билан шахс манфаатлари ўртасида юзага келган ўзаро зиддият, яъни суд муҳокамиси жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояси ва уни чеклаш масаласи акс этади.

Мазкур жараёнда инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини мумкин қадар ҳимоя қилишнинг самарали механизмини амалга оширишни асосий мақсад қилган суд тизимини яратиш, уни ривожлантиришда халқаро стандартларнинг ўрни ва аҳамият бекиёсdir. Юртимизда давом этаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларида одил судловни амалга оширишнинг халқаро стандартларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этиб бормокда. Бу борада умумэътироф этилган энг муҳим халқаро ҳуқуқий нормаларни имплементация қилиш, хориж тажрибасини ўрганиш ва энг самарали механизмни яратишда зарур омилларни тадбиқ этиш лозим.

Мазкур соҳадаги халқаро хужжатларни таҳлил қилган ҳолда, халқаро ҳамжамият аввало жиноят-процессуал муносабатларнинг энг ҳимоя талаб соҳасига оид халқаро стандартларни ишлаб чиқишига ҳаракат қилганлигини кўришимиз мумкин. Бу шуни англатадики, асосий диққат эътибор, халқаро стандартлар шахсларнинг узвий ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қилишга қаратилган. Одил судловга бўлган ҳуқуқ халқаро нормалар билан мустаҳкамланувчи ва кафолатланувчи ҳуқуқлар мажмуасида иборат. Одил судловни амалга оширишга оид халқаро стандартлар мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг ҳар бири одил судловга бўлган ҳуқуқнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-хукуқий ҳужжатлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 2017 й., 14-сон, 213-модда.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2017, 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2017, 1-сон, 1-модда.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 13-сон, 194-модда, 15-сон, 242-модда.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-хукук тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 21 октябрдаги 4850-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда.
- 1.8. Инсон хукуклари бўйича халқаро шартномалар. Масъул мухарир А.Х. Сайдов. – Т.: Адолат, 2004 йил. 520 бет.
- 1.9. Заключительный акт Дипломатической конференции полномочных представителей под эгидой ООН по учреждению МУС (Рим, Италия, 15 июня – 17 июля 1998 г.) // Док. ООН A/Conf. 183/10 от 17 июля 1998 г.
- 1.10. Международное гуманитарное право в документах. – М., 1996.
- 1.11. Римский Статут Международного уголовного суда. // Док. ООНА/Conf. 183/9 от 17 июля 1998 г.

1.12. Бангалорские принципы поведения судей.
<http://www.un.org/ru/documents/>

1.13. Резолюция ГА ООН "Права человека при отправлении правосудия"
[http://www.un.org/ru/documents/ods.asp?m=A/RES/2858\(XXVI\).](http://www.un.org/ru/documents/ods.asp?m=A/RES/2858(XXVI).)

II. Махсус адабиётлар

2.1. Введение в вопросы международной защиты прав человека. Под редакцией Райя Хански и Маркку Сукси. Университет «Або Академия». Финляндия. 1997. С. 277.

2.2. Волеводз А.Г. Современная система международной уголовной юстиции: понятие, правовые основы, структура и признаки / А.Г.Волеводз // Международное уголовное правосудие: Современные проблемы / Подред. Г.И.Богуша, Е.Н.Трикоз. – М.: Институт права и публичной политики, 2009.

2.3. Гуценко К.Ф., Головко Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств / Изд. 2-е, доп. и испр. - Изд-во "Зерцало-М", 2002. - с. 80-82 .

2.4. Костенко Н.И. Международная уголовная юстиция. Проблемы развития. – М., 2002. – 448 с.

2.5. Лукашук И.И. Международное право. Общая часть. Учебник. – М.: Издательство БЕК, 1996. – 371 с.

2.6. Марченко М.Н.. Правовые системы современного мира. Учебное пособие.- М.: ИКД "Зерцало - М", 2001. - с 19.

2.7. Международное право: Учебник \Отв. ред. Ю.М. Колосов, В.И. Кузнецов. – М.: Международные отношения, 1995. – 608 с.

2.8. Мирзажонов К., Хакимов Р. Международное право: Учебные схемы. – Т.: Мечнат, 1993. – 60 с.

2.9. Международное публичное право: Учебник. – Т.: Zarqalam, ТГЮИ, ЦИПЧГП, 2003. – 552 с.

2.10. Мюллерсон Р.А. Международное уголовное право. – М., 1999.

2.11. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро хуқуқи: Дарслик. ЖИДУ, 2002. – 540 б.

2.12. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро хуқуқи: Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 560 б.

2.13. Организация Объединенных Наций. Основные факты. Справочник. Пер. с англ. – М.: Весь мир, 2000. – 424 с.

2.14. Правовые системы стран мира. Указ. соч. с. 119-122.

- 2.15. Русанов Г.А. Принципы международного уголовного права //Вопросы судебной реформы: право, экономика, управление. 2009. №4.
- 2.16. Саидов А.Х. Халқаро хукук: Дарслик. – Т.: Адолат, 2001. – 368 б.
- 2.17. Саидов А.Х. Международное право прав человека: учебное пособие. \Отв. ред. Б.Н. Топорнин. – М.: Академический правовой университет, 2002. – 208 с.
- 2.18. Сатторов Д.Ю. Халқаро жиноят суди. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 48 б.
- 2.19. Смольянов М.С. Юридическая процедура как гарантия прав человека: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2011. – С. 8.
- 2.20. Суд ишини адолатли кўриб чиқишига оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси жиноят процесси: Хукуқшунослар учун амалий қўлланма. – Женева, 2011.
- 2.21. Холл К.К. Право на справедливое судебное разбирательство в Статуте Международного уголовного суда // Российское издание Бюллетеня ИНТЕРАЙТС. - 1999. - № 2. – С. 45.
- 2.22. Ягофаров С.М. Международные стандарты по правам человека и российское уголовное судопроизводство: учебное пособие / под ред. доктора юр. наук, профессора А. П. Гуськовой. – Оренбург: Издательский центр ОГАУ, 2006.
- 2.23. Werle G. Principles of International Criminal Law. The Hague, 2005.
- 2.24. Вольфганг Граф Витцум, Александр Прёльсс. Международное право. 2015. М., 1072 с.

III. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти асарлари

- 3.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 3.2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 3.3. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 400 б.

3.4. Каримов И.А. Инсон, унинг хукуқ ва эркинликлари – олий қадрият . Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 280 б.

3.5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 173 б.

3.6. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 32 б.

3.7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.:Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

3.8. Инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган маъруzasи. Халқ сўзи, 2012 йил 10 декабрь.

3.9. Ўзбекистон Республикасини 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т. 2017. – 104 б.

3.10. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: Ўзбекистон. – 104 б.

IV. WEB – ресурслар

4.1. <http://www.un.org>– БМТнинг расмий сайти.

4.2. <http://www.worldcourts.com>– Халқаро ва минтақавий судлар.

4.3. <http://www.icc-cpi.int>– Халқаро жиноят суди расмий сайти.

4.4. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. Одил судловни амалга оширишнинг халқаро стандартлари: асосий коидалар ҳамда халқаро тажриба.....	6
II БОБ. Халқаро жиноят суди одил судловни амалга оширувчи халқаро институт сифатида.....	24
III БОБ. Ўзбекистоннинг суд-хукуқ соҳасидаги ислоҳотларида халқаро стандартларнинг ўрни ва аҳамияти.....	38
Хулоса	51
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	52

Джураев Ифтихоржон Таджибаевич

ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

Илмий-оммабоп рисола

Мухаррир *M.Талипова*
Мусаҳҳих *И.Турсунова*
Саҳифаловчи *Г.Аббосова*

Босишига руҳсат этилди 25.04.2017 й. Бичими 60x84 1/16
Офсет қоғози. Ризограф усулда. Times гарнитураси.
Шартли босма табоги 17.5. Нашр ҳисоб табоги 4,0.
Адади 100 нусхада. Буюртма № 03-10.

100071, Тошкент ш., Камолон кўчаси, Эркин тор кўчаси, 13
«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди
Манзил: Тошкент ш., Кушбеги кўчаси, 6 уй.